## Ислом КАРИМОВ:

# ШҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Жавоб:** Биз ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида қарор топган ҳамкорликнинг бугунги даражасини ҳамда ташкилотнинг фаолиятини умуман юксак баҳолаймиз. Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар иқтисодиётда, минтақанинг бой минерал-хомашё захираларини ўзлаштириш соҳасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга.

Биз сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришда транспорт коммуникацияларини тараққий эттириш, минтақанинг бой сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлиги каби минтақадаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қила оладиган ва ҳал қилиши шарт бўлган иқтисодиёт йўналишларини ўз вақтида ривожлантириб бориш, шунингдек, мавжуд ижтимоий муаммолар устуворлик касб этиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон террорчилик, айирмачилик ва экстремизм каби хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш бўйича ташаббусларни илгари суриб, муайян чора-тадбирлар кўрмоқда. Жорий йилнинг март ойи бошида Ўзбекистон ҳудудида ШҲТ доирасидаги илк қўшма аксилтеррор машқлар ўтказилди. Юксак касбий маҳорат даражасида ўтган бу машқлар хавфсизлик органлари фаолиятининг яхши мувофиқлаштирилганини, уларнинг террорчиликка қарши биргаликда курашиш борасидаги азму шижоати ва қатъиятини намойиш этди.

Бу ўринда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Тузилма қатъият билан аниқ амалий ишларни бажаришга киришди.

Ижтимоий жабҳада биз таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Яхши биласизки, ҳар қандай мамлакатнинг тақдири ва келажаги таълим даражаси билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, ШҲТнинг бўлажак саммитида Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишини қўллаб-қувватлаймиз.

**Савол:** Ўзбекистон ШҲТни ривожлантириш истиқболини қандай тасаввур этади? Сиз ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Шанхайда бўлажак навбатдаги учрашувидан қандай натижалар кутмоқдасиз?

**Жавоб:** ШҲТ истиқболи ҳақида гапирганда, ташкилотимиз тузилганига ҳали бор-йўғи беш йил тўлганини унутмаслик лозим. Бизнингча шуниси муҳимки, ўтган бу йиллар давомида ШҲТ шаклланиб улгурди, тузилмавий жиҳатдан мустаҳкамланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди.

Биз айни пайтда йўл бошида эканлигимизни ҳам яхши англаймиз. Ҳали иқтисодий жабҳада ҳам, хавфсизлик соҳасида ҳам, бошқа кўпдан-кўп йўналишларда ҳам талай иш қилишимиз керак. Ўзбеклар "Юрган – дарё" дейдилар.

Ҳаёт тажрибаси шундайки, йўлдошлар аҳил-иноқ бўлса, уларнинг мақсад-муддаолари муштарак бўлса, ҳар қанча узоқ йўл ҳам машаққатли туюлмайди. Босиб ўтган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, кўп нарсаларга эришдик, деб бемалол айтиш мумкин. Асосийси – биргаликда илгари бориш учун, самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Бўлажак Саммитга келсак, унинг Шанхайда, ушбу ташкилот дунёга келган жойда, ШҲТнинг нуфузи ва аҳамиятини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинган ва қилинаётган Хитойда ўтишининг ўзи ғоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Шу вақтга қадар қўлга киритилган натижаларни баҳолаганда, қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ташкилотнинг сиёсий нуфузи мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш ниятини билдираётган мамлакатлар сони ортмоқда. Биз буларни Шанхай ташкилотининг истиқболи порлоқ эканлигидан, бошқа мамлакатлар назарида жозибадорлигидан далолат сифатида қабул қиламиз.

Роса икки йил муқаддам, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувида биз Декларацияга имзо чеккан эдик. Унда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакл-шамойил касб этиши, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, меъёрий-ҳуқуқий асосларимизнинг уйғунлашуви, товарлар, сармоялар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун босқичма-босқич қулай шароит яратишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мажмуи белгиланган.

Биз ўринсиз ҳаяжонлардан йироқмиз. Навбатдаги Саммит олдида турган вазифалар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг туб манфаатларига асосланган кўп қиррали ҳамкорликни қадам-бақадам ривожлантириш борасидаги мақсадларимизга мос келади. Айни пайтда олий даражадаги бу учрашувни бутун дунё диққат билан кузатишини назарда тутган ҳолда, биз унга пухта, астойдил ҳозирлик кўрдик. Шуни унутмаслик лозимки, Шанхай Саммитида минтақанинг халқаро майдонда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларда тобора муҳим ўрин тутаётган қатор давлатлари раҳбарлари учрашадилар.

Шу муносабат билан геосиёсий жараёнлар шиддат билан ривожланаётган, иқтисодиёт ва ахборот соҳалари глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ШҲТ механизмларини ҳамкорликнинг янада юқори даражасига мос поғонага кўтариш табиий вазифа эканини таъкидламоқчиман. Бу – давр талаби. Юбилей Саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади.

**Савол:** Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мазкур минтақа ҳаётида катта аҳамиятга эга. Сизнинг мавжуд вазият борасидаги нуқтаи назарингизни билмоқчи эдик.

**Жавоб:** Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг юраги саналади, у минтақадаги беш мамлакатнинг барчаси билан, шу жумладан, сўнгги ўттиз йил давомида уруш домидан чиқа олмаётган Афғонистон билан ҳам чегарадош. Мамлакатимизнинг нафақат жуғрофий жойлашуви, балки унинг улкан инсон ресурслари, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳияти, цивилизация тарихидаги ўрни, табиий захираларга бойлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тарихан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтмоқчиман. Ўшанда Афғонистонда узоқ йиллик қуролли тўқнашувлар давом этаётган, бутун минтақада сиёсий вазият қай тарзда ривожланиши мавҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари амалда таназзулга учраган эди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаб қолиш жуда муҳим эди.

Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Ўзбекистонда ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилмоқда. Уларни жорий этишда муайян тарихий шарт-шароит ва бу ерда яшовчи одамларнинг менталитети инобатга олинди. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга, биз мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлашга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратдик. Халқимиз буларнинг барчасини қўллаб-қувватлади ва пировардида саъй-ҳаракатларимиз минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Минтақавий хавфсизликнинг узвийлигини, Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг тарихий тақдири муштарак эканлигини инобатга олган ҳолда, биз, қўшниларимиз билан биргаликда, минтақа мамлакатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш бўйича узоқни кўзловчи саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдамиз. Ўзбекистоннинг интеграция жараёнларини ривожлантириш борасидаги кўплаб таклифлари шунга қаратилган. Минтақавий бирлашмалар ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти шунга қаратилган. Улар орасида мамлакатларимизнинг қарийб барча соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти тобора ортмоқда.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар минтақа мамлакатларига кимларнинг ҳақиқий дўстлигини кўрсатди, кўзбўямачиларнинг эса асл қиёфасини очиб берди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг қардош халқлари каби Ўзбекистон халқи ҳам ўз уйида, қўшнисининг уйида тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг нечоғли муҳим эканлигини яхши англайди. Ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил белгилаш ҳуқуқи учун, барқарор, ривожланаётган ва гуллаб-яшнаётган минтақада ўз келажагимизни барпо этиш ҳуқуқи учун курашда саъй-ҳаракатларимизни самарали бирлаштира олишимизнинг кафолати мана шундадир.

**Савол:** Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва ҳамкорликнинг истиқболини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

**Жавоб:** Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги бир неча йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликнинг қарийб барча йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар мунтазам давом этмоқда. Бу учрашувлар ўзаро ишончли сиёсий мулоқотни, Ўзбекистон ва Хитой халқларининг очиқлик, ишонч, ўзаро англашув ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига таяниб, янада мустаҳкам алоқаларни қарор топтиришга муштарак интилишлари асосига қурилган манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни қўллаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона алоқаларнинг изчил ривожланишида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг катта хизмати бор. Биз уни ишончли дўст, ўз мамлакатини фаровонлик йўлидан бошқариб бораётган доно ва узоқни кўрувчи раҳбар деб биламиз.

Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартноманинг имзолангани икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Биз, мазкур ҳужжат алоқаларимизда салмоқли ўзгаришлар ясаш ва ҳамкорликни узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонамиз.

Ўзбекистон ва Хитой террорчилик, айирмачилик ва диний экстремизм балосини бевосита бошидан ўтказган мамлакатлар сифатида минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамфикрдир. Биз мамлакатларимизга демократлаштириш ва жамиятни ривожлантириш йўлларининг ғарбча андозаларини четдан туриб тиқиштиришга оид уринишларга қарши қатъий курашиш борасида ҳам ҳамфикрмиз.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил, юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 2000 йилга қиёсан олганда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми беш баробардан кўпроқ ортди ва ўтган йили, биздаги маълумотларга кўра, қарийб ярим миллиард АҚШ долларига етди.

Шу билан бирга, биз қатъий аминмизки, икки мамлакатда ҳам савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ишга солинмаган катта имконият ва улкан салоҳият мавжуд.

Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг сармояси ва илғор технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳалардаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маиший техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатидаги тажрибасига қизиқиш билан қарайди.

Биз Хитой компанияларининг молиявий ва технологик имкониятлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз ва улар билан ҳамкорликда мамлакатимизда нафақат ички бозор, балки экспортга, учинчи мамлакатларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар тузишга тайёрмиз.

Назаримда, ҳозирги кунда умумий вазифамиз савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришнинг йўл ва имкониятларини топишдан иборат.

Фан, техника, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжуд. Бу йўналишлардаги алоқаларни фаоллаштириш учун икки мамлакат ўртасида ахборот алмашувини кучайтириш зарур. Ҳалиҳануз Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари, маданияти ва тарихи тўғрисидаги ахборотлар етишмаслиги сир эмас.

Ўзаро хабардорлик ва бир-бирининг маданий-тарихий меросига ҳурмат халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва уларнинг яқинлашувига хизмат қилиши, шериклик муносабатларининг ижтимоий асосини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

**Савол:** Тошкентда расман 2004 йилнинг июнида очилган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси бугун ШҲТнинг икки доимий ишловчи органидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда бу тузилманинг ўрни қандай?

**Жавоб:** ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилганидан буён ўтган икки йил унинг долзарблиги ва ўз вақтида ташкил этилганини кўрсатди. Бугун ШҲТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалаларида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими мутахассислари амалий ҳамкорлигининг платформаси ва воситаси сифатида унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мазкур тузилманинг вазифалари фақат террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан чекланмайди. Одамларнинг онгини заҳарлаб, ёшларни йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўқир ижрочиларини тайёрлайдиган "конвейер" яратувчи кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг қабиҳ ниятли мафкуравий ишларига қарши курашиш ҳам унинг вазифасидир.

Минтақавий аксилтеррор тузилма ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган эса-да, унинг фаолиятида амалий ишлар кучаётгани кузатилмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолиятига дахлдор шахслар бўйича ягона маълумотлар банкини шакллантириш ишлари якунига етмоқда.

Ушбу тузилма ишида ахборот-таҳлил билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштиришга, нафақат бевосита террорчиликка қарши кураш, балки унинг эҳтимол тутилган кўринишларининг олдини олиш бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилаётгани мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бу тўғри ёндашувдир.

Мухтасар айтганда, бугун Минтақавий аксилтеррор тузилма "уч ёвуз куч" – террорчилик, айирмачилик, экстремизмга қатъий ва изчил қарши туришга қодир бўлган тузилмага, XXI асрнинг таҳдид ва хавф-хатарларини бартараф этиш йўлидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг амалий ва самарадор механизмига айланиб бормоқда.

Аминманки, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз навбатида, ШҲТ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд улкан иқтисодий ва инсоний салоҳиятни тўла-тўкис ва янада самарали ишга солиш учун мустаҳкам замин яратади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўқувчиларингиз, томошабинларингиз ва тингловчиларингизга ҳамда бутун Хитой халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

---

Саммит арафасида

# ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

**15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити бўлиб ўтади.**

ШҲТнинг бу галги олий даражадаги учрашуви айнан Шанхай шаҳрида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Беш йил муқаддам айни мана шу шаҳарда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чеккан эдилар.

Ташкилотнинг босиб ўтган йўли унинг фаолияти нечоғли самарадор кечаётганлиги ҳақида яхши тасаввур беради. Янги аср бўсағасида халқаро майдонда кўп ўзгаришлар рўй берди. Евроосиёда, айниқса, Марказий Осиёда геосиёсий вазият кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўша даврда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан чегаравий масалаларни ҳал қилиш учун тузилган «Шанхай бешлиги» номли тузилма фаолият кўрсатар ва ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қараганда, бу ташкилот асосий вазифасини асосан бажариб бўлган эди.

Бундай шароитда очиқ ва самарали алоқалар механизмини сақлаб қолиш ва янги йўналишлар билан бойитиш аъзо давлатлар олдида янги имкониятларни очиши муқаррар эди. Шу билан бирга, минтақавий ташкилот ўз сафига Ўзбекистонни бирлаштирмаса, унинг тўла қувват билан ишлаши қийинлиги ҳам аён эди. Аввало, Ўзбекистон минтақамизнинг барча мамлакатлари билан бевосита чегарадош. Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, жумладан, транспорт коммуникациялари ва табиий захиралари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим ўрни янги ташкилотга аъзо давлатлар учун катта аҳамият касб этарди. Айни пайтда бу ташкилот Ўзбекистон учун ҳам талай янги имкониятларни очиб берарди.

Шу тариқа, 2000 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримов «Шанхай бешлиги»нинг Душанбе саммитида иштирок этди ва амалда ўша учрашувда бу тузилманинг мақомини кўтариш ва шаклини ўзгартиришга келишиб олинди. 2001 йилнинг 15 июнида эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Эътиборли томони шундаки, илк саммитда ШҲТнинг таъсис ҳужжати билан бирга, Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция ҳам имзоланди. Бу АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган воқеалардан уч ой аввал рўй берди. Яъни ШҲТ халқаро миқёсда биринчи бўлиб террорчиликка қарши ҳамкорликда қатъий зарба беришга қарор қилган ташкилот бўлди.

2002 йилнинг июлида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган саммитда ҳамкорликнинг мақсадлари, тамойиллари ва йўналишларини ўзида акс эттирган ШҲТ Хартияси қабул қилинди ва ташкилотнинг халқаро-ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Мазкур саммитда Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Котибиятни тузиш борасида ҳам келишувга эришилди.

2003 йил майда Москвада ўтган саммитда ташкилот фаолияти механизмларини такомиллаштириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилинди. Хитой вакили Чжан Дэгуан ШҲТнинг Ижрочи котиби этиб тайинланди. Шу йили Хитойда ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтган учрашувда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди.

2004 йилнинг январида Пекинда ШҲТ Котибиятининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Июнь ойида эса ташкилотнинг саммитига Ўзбекистон мезбонлик қилди. Унда ташкилотнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, пойтахтимизда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини очдилар.

ШҲТ қисқа вақтда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Аввало, ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди, алоқаларнинг синалган механизми қарор топди.

Шу билан бирга, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу бутун ШҲТ маконида барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий ахборот алмашиб борилаётганини, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётганини, террорчилик ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётганини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани ҳам диққатга сазовор. Қатор давлатлар у билан ҳамкорлик қилиш, ташкилот сафига қўшилиш истагини билдирмоқда. Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон унда кузатувчи мақомини олган. ШҲТ БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар билан расмий алоқа ўрнатган.

Ташкилотнинг нуфузи ошишига унинг очиқлиги, бошқа давлатларга қарши қаратилмаганлиги ҳам муҳим ўрин тутади. ШҲТ ташқи алоқаларда хавфсизликнинг янги концепциясига, ички ҳамкорликда «Шанхай руҳи»га таяниб иш тутади. Аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида фарқлар бўлишига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенг ҳуқуқлилик, тараққиётга биргаликда интилиш – «Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмлари ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТнинг галдаги саммити ҳам ана шу руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Барча аъзо давлатлар унга пухта ҳозирлик кўрди. Саммитда давлатлар раҳбарлари беш йиллик ҳамкорлик натижаларини кўриб чиқиши, халқаро майдондаги ва ШҲТ минтақасидаги вазиятни таҳлил этиши, ташкилотни янада ривожлантириш йўлларини муҳокама этиб, ҳамкорлик кўламини ҳар томонлама кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, "юбилей саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади".

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



## ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МАХСУС ҲАРБИЙ ОКРУГ

**Жаннатмакон она диёримиз серқуёш Ўзбекистон ёз оғушида. Сўлим боғроғларда мева-чевалар ғарқ пишган, далаларда эса иш қизғин. Қалби бунёдкорлик, яратувчанлик ҳисси билан лиммо-лим юртдошларимиз кун сайин яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллик айёмининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тинмай жавлон уриб меҳнат қилишмоқда. Зиммаларида юрт осойишталигини асрашдек масъулиятли ва шарафли вазифа бўлган посбонларимиз ҳам бу қутлуғ санага ўз муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида жанговар шайлиги-ю, маҳоратларини ошириб, эришган ютуқларини истиқлолнинг 15 йиллик тўйига ҳадя этиш мақсадида олға интилмоқдалар. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи қисм ва бўлинмаларида хизмат қилаётган посбонларимиз ҳам ёзги ўқув мавсуми машғулотларини шижоат билан бошлаб, Мустақиллигимизни янаям мустаҳкамлаш йўлида фаолият кўрсатяпти. Бу гал саҳифамизда ана шу округ ҳаёти ҳақида сўз юритамиз.**





# БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛЛАР МАКТАБИ

Муҳтарам Президентимиз Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов «...Ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратиш, курсантлар, билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини битирувчиларининг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият бериш зарур...» деган эди, Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар айнан шу асосда, яъни Юртбошимиз белгилаб берганларидек амалга оширилялти. Профессионал асосга ўтиш йўлида шаклланаётган миллий армиямизда бугун сержантлар фаолиятига кенг ўрин берилган. Қуролли Кучларимиз сафларига малакали кичик командирлар етказиб бераётган сержантлар тайёрлаш мактабларининг бу жараёнда ўзига хос ўрни бор. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдаги сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бугун таълимнинг такомиллаштирилган, кенгайтириб, янгиланган усули қўлланилиб, шу асосида таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

– Мактабимизда курсантлар 9 ой давомида таълим олишиб, ҳарб санъатидан пухта сабоқ олишади, – дейди ЖҒМҲО СТМ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Олим Йўлдошев. – Бугун СТМ таълим дастурига янги дарслар киритилган, цикллар кенгайтирилган. Бўлажак профессионалларимиз ҳарбий билимлар билан бирга юртимизда кечаётган ислоҳот ва янгиланишлардан ҳам хабардор бўлиши, профессионал деган номга ҳар жиҳатдан муносиб бўлишини кўзлаб, ҳарбий педагогика ва психология, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, чет тилларидан (немис, инглиз, рус) бирортаси, маркетинг, менежмент, фермерлик асослари кабилар ҳам ўргатилмоқда. Фанлардан малакали мутахассислар сабоқ беришади. Шунингдек, тоғ тайёргарлиги, терроризмга қарши курашиш, чегара қўшинлари тактикаси, тиббиёт тайёргарлиги, ҳаво ҳужумидан мудофаа, техника-таъминот, Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қуриш цикллари кабилар ҳам курсантларнинг билим ва маҳоратлари ошишига, жисмонан, жанговар ва интеллектуал жиҳатдан етук бўлишига хизмат қилади. «Камолот», «Нуроний», хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик ҳам ижобий самара бермоқда. Эришган барча муваффақиятли натижаларимизни, ютуқли одимларимизни қутлуғ айём – Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига ҳадя деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, ЖҒМҲО СТМи жуда кўркам ва замонавий қилиб бунёд этилганидан газетамизда чоп этилган маълумотлар орқали бугун юртдошларимиз яхши хабардор. Айни кунда ҳам мактабда ривожланиш, юксалиш ва олға интилиш собитқадамлик билан давом этмоқда. Курсантлар учун шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Керакли ўқув қуроллари, кўргазмали воситалар, зарур жиҳозлар ҳамда дарсликлар улар хизматида. Кенг ва шинам хоналарда машғулотлар малакали устозлар ва офицерлар томонидан олиб борилади. Фикримизнинг далили сифатида келинг, таълим-тарбия ва машғулотлар жараёнига биргаликда эътибор қаратамиз.

Дастлаб офицер Азамат Шукуров машғулот ўтказаётган муҳандислик тайёргарлиги синфида бўлдик. Тажрибали офицер мазкур тайёргарлик ҳақида тўхталиб ўтаркан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

– Бу фандан курсантлар асосан, ҳимояланиш ишлари, мина қўйиш, қўйилган миналарни топиб зарарсизлантириш, унинг хусусиятларини ўрганиш кабиларни ўрганишади, – деди у. – Ҳозир янги, замонавий миналар пайдо бўляпти. Хориж армияларида унинг турли кўринишдагилари бор. Бизнинг ҳарбийларимиз ҳам бундан бехабар қолмасликлари, билим ва кўникмалари мустаҳкамланиши учун дарслар чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Бу ерда ўрганганларини эртага сержант бўлиб хизматини бошлайдиган курсантларимиз қўл остидаги ёш аскарга ўргатишини эсласак, масаланинг нечоғлик муҳимлигини англаб етамиз. Буни яхши тушуниб етган бўлажак профессионаллар жуда интилувчан, тиришқоқлик билан ёндашишади. Шуҳрат Жалолов, Алишер Ярназаров, Бекзод Алиқуловлар айниқса, энг илғорлардан.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа тайёргарлиги машғулотини олиб бораётган офицер Музаффар Назаров курсантларга 23 мм.ли зенит қурилмаси ҳақида маълумот бераркан, тингловчилар кўпроқ амалий кўникма ҳосил қилишига чуқур эътибор қаратиб, кўргазмали қурол, макет ва бевосита қурилмадан фойдаланган ҳолда дарс ўтишига гувоҳ бўлдик. Ҳаводан ҳужум қилувчи душман самолётлари, вертолёт ҳамда десант бўлинмаларига қарши зарба бериш сирларини пухта эгаллаб келаётган курсантлар билан суҳбатлашарканман, уларда ўз касбига садоқат, ғайрат-шижоат туйғуларини яққол сездим.

– Ўзим хизмат қилаётган ҳарбий қисмда зенитчи-ўқчи вазифасида эдим, – дейди курсант Акмал Сатқулов. – Бу ерда билим маҳоратим янада тобланмоқда. Маҳоратли устоз офицерлардан Хуршид Каримов, Ҳамид Қурбонов, Шариф Мадиевлардан соҳа сирларини мукаммал ўрганмоқдамиз. Келгусида эгаллаган билимларимни хизмат фаолиятимга тадбиқ этиб, қўл остимдаги ёш аскарларга ўргатаман.

– Мен Андижон гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида шартнома асосида хизмат қилардим, – дейди яна бир бўлажак профессионал посбон Зоҳид Сиддиқов. – Ёшлигимдан ҳарбу зарб илмига, спортга меҳрим бошқача. Бокс билан мунтазам шуғулланиб келаман. Сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олаётганимдан, юрт корига яроқли топилганимдан жудаям шодман. Чунки мен учун ҳарбий соҳа – шараф, бахт! Келгусида янаям юксак марраларни забт этиш мақсадим. Давлатимиз раҳбарияти бизга катта эътибор ва ишонч билдирмоқда. Ўз навбатида биз ҳам ана шунга муносиб бўлишимиз, аъло даражада хизматларимиз билан жавоб қайтаришимиз зарур.

Ҳарбий хизматчилар учун асосий ўринлардан саналувчи тактик тайёргарлик ва ҳарбий топография машғулотлари ҳам курсантларнинг жанговар маҳоратларини ошириб, билим ва малакаси юксалишига салмоқли ҳисса қўшади. Жангчи ўзи ҳаракатланаётган ёки мудофаа ўрнатган нуқтасининг координатаси, теварак-атроф, муҳит, жойлашув, мўлжал ва рельефларни тезда англаб олиши учун топография илмини пухта эгаллагани унга қўл келади. Бу каби жиҳатларни яхши ўзлаштириш эса тўғри ва мукаммал тактик санъат қўллашда жуда яхши ёрдам беради. Иқтидорли офицерлар Элбек Мадалиев ва Ҳасан Қосимовлар бу борада уларга билим бериб келмоқда.

Қисқаси, сержантлар тайёрлаш мактабида сабоқ олаётган шерюрак ўғлонларни бемалол эртанги кун профессионаллари, ушбу ўқув даргоҳини эса ҳақиқий профессионал ҳарбий хизматчилар тайёрланадиган маскан десак адашмаймиз. Юқоридаги маълумотлар ушбу кенг кўламли қутлуғ даргоҳ фаолиятининг бир қисми, холос. Аминмизки, ҳали ЖҒМҲО СТМ ҳақида яна кўплаб мақолалар чоп этилади.





# БУНЁДКОРЛИК – ЯРАТУВЧАНЛИК ДЕМАК

Айни дамда юртимиздаги барча гўшаларда, барча жабҳаларда бунёдкорлик мужассам. Истиқлолимиз сабаб, ислоҳотларга асосланган бундай янгиланиш ва яратувчанликни ҳар бир округ ва гарнизон, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида ҳам учратиш мумкин. Биз Қарши тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлганимизда айнан мана шундай яратувчанликка дуч келдик.

Йилдан-йил чирой очиб, мукаммаллашиб бораётган мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари сафидан намунали бўлим сифатида жой олган ушбу ҳарбий жамоа бизда ҳам катта таассурот қолдирди. Келинг, бу гўшада амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Янгиланишларнинг дастлабки босқичида аввало мудофаа ишлари бўлими биносига катта аҳамият берилди. Бинонинг устки қисми замонавий услубда, бутунлай янги андозада қад ростлади. Ички бўлимлар эса замон талабига, ҳарбий жамоа нуфузига мос равишда таъмирланиб, жиҳозланди. Шунингдек, бино тўлиқ газлаштирилди ҳам. Албатта, бундай янгиланиш ва ўзгаришлар муддатли ҳарбий хизматга чақирув пунктларида янада яққол кўзга ташланади. Чунки бўлажак Ватан посбонларини интеллектуал салоҳияти ва саломатлигини мукаммал текшириш учун замонавий жиҳозланган хоналар ва шу куннинг талабига мос тиббиёт анжомлари зарур. Шубҳасиз, буларнинг барчаси нафақат ҳаракат ва изланиш, балки катта маблағ эвазига мукаммал ҳолга келтирилади.

– Мудофаа ишлари бўлими биносини тўлиқ таъмирдан чиқариб жиҳозлашимизда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан катта ёрдам берилди, – дейди биз билан суҳбатда Қарши туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Шамсиддин Абдуллаев. – Биз катта ё кичик бўлсин таъмирлашнинг ҳар бир босқичини эътибор билан амалга оширдик. Айниқса чақирув пунктини мукаммал таъмирдан чиқариб, янгидан жиҳозлашга ҳаракат қилдик. Чунки хизматга боришга интилиб турган ўғлонларимизнинг армиямиз ҳақидаги дастлабки тушунчалари аввало шу ерда шаклланади, деб ўйлайман. Уларни ҳар томонлама тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш учун эса тиббиёт анжомлари янгиланди.

Бизнинг туман мудофаа ишлари бўлими барча йўналишдаги хизматга йигитларимизни тайёрлашда вилоятда етакчи ўринда туради. Яъни муддатли хизмат, сафарбарлик чақируви резерви ва шартнома асосидаги хизматга талабгорлар кўп. Мудофаа ишлари бўлимида амалга оширилаётган ишлар ҳам албатта шунга яраша. Биз давлатимизнинг ҳар бир талаб ва эътиборидан руҳланиб зиммамиздаги бурчни аъло даражада бажаришга доимо ҳаракат қиламиз.

Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Абдуллаев етакчилигида ўз эътирофини топаётган нафақат бунёдкорлик ишлари, балки, ҳарбий жамоанинг мудофаамиз қудратини мустаҳкамлаш йўлида миллий армиямиз сафларига етук кадрлар тайёрлаб бериш, Қуролли Кучларимиз нуфузини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиш каби эзгу хизмати бугунги кунда катта эътиборга лойиқ. Яъни ушбу мудофаа ишлари бўлими вилоят мудофаа ишлари бўлимлари ўртасида 2004-2005 йил якунлари бўйича барча кўрсаткичларда етакчилик қилиб, вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг кўчма кубогига эга бўлиб келмоқда. Бундан келиб чиқадики, бунёдкорлик, яратувчанлик бор жойда хизматга иштиёқ билан ёндашиш, масъулиятни чуқур ҳис қилиш, хизмат жойининг нуфузини янада оширишга интилиш каби хислатлар мужассам. Бу дегани, мудофаа ишлари бўлимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳали давом этади. Чунки фидойилик бор жойда доимо интилиш, янги-янги режаларни юзага чиқаришга рағбат мавжуд.



# СОҲАНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Жанговар хизматда алоқанинг ўрни ҳар доим муҳим бўлиб келган. Чунки олдинги марра ёки ҳар қайси нуқтадаги вазият, қайси жабҳага қўшимча мадад кучлари юбориш кераклиги-ю, қайси бўлинманинг галдаги ҳаракати самарали кечиши учун унга тезкор буйруқ узатиш, душманнинг қўллаётган тактикаси, техника ва бошқа кучлари ҳақида қўмондонлик штабига тезкор маълумот етказиш, шу асосда бошқарув пунктидан берилган янги топшириқ ҳамда кўрсатмаларнинг тегишли нуқтага бехато етказилишини тезкор таъминлаш айнан алоқачиларнинг жонбозликлари, фидойиликлари ҳисобига таъминланади. Шу боис ҳам алоқа хизматини ҳарбий соҳанинг энг муҳим бўғинларидан санасак, хато қилмаймиз. Бугун Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи алоқачилари хизматини ҳам ибратга сазовор, дея баҳолаш мумкин. Зеро, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ хизматчилар яқиндагина Мудофаа вазирининг миннатдорчилигига муносиб топилди. Тармоқда ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани, хизмат кўрсатиш сифатининг равон ҳамда тезкорлиги, мукаммаллиги, соҳа хизматчилари ўз ишининг устаси ҳамда фидойилиги эканликлари туфайли улар ана шундай эътиборга муносиб топилдилар. Амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларга тўхталсак, бугун округ миқёсида хизмат кўрсатаётган алоқа тармоғида ижобий силжишлар талайгина. Янги технологиялар асосида рақамли радиоалоқа воситаларидан фойдаланилаётгани, зарур пайтларда қўшимча каналлар очиш, маълумот узатиш ва қабул қилиш жараёнларида хизматчилар маҳоратининг юксаклиги, ҳадемай рақамли коммутаторлар ўрнатиш ва округ миқёсида тезкор штаб алоқа воситаларидан фойдаланиш кўзда тутилаётгани кабилар фикримизга далил бўла олади.

– Сафдошларим соҳанинг ҳақиқий фидойи ва жонкуярларидир, – дейди округ алоқа тармоғи бошлиғи майор Мирзараҳмат Исабоев. – Жанговар ўқув машғулотлари давомида алоқанинг мукаммал, соз ва тезкор узатилиши ҳамда қабул қилинишини таъминловчи офицер Зоҳид Дадабоев, армиямизнинг таянч устунларидан саналмиш шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар Иньом Тўрақулов, Юнус Амирқулов, Дилшод Қувондиқовлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шунингдек, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилрабо Ядгарова ҳам нозик жинс вакиласи бўлса-да, зиммасидаги тоғдай улкан масъулиятни виждонан адо этиб, эр йигитларимиздан қолишмай хизмат қилиб келмоқда.

– Телефон бўлинмаси техниги вазифасида хизмат қиляпман, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилрабо Ядгарова. – 2004 йилдан буён шартномадаман. Бу менинг энг юксак орзуим эди. Эгнимга ҳарбий либосни илган, ҳақиқий ҳарбий хизматчи аталган кунимни бир умр унутмайман. Компьютер мутахассислиги бўйича ўрта маълумот соҳибасиман. Аввал қисмда Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фаолият юритдим. Камтарин хизматларим инобатга олиниб, бошлиқларим мени ҳарбийликка тавсия қилишди. Уларнинг беғараз ёрдамлари ва акаларча ғамхўрликлари туфайли шу даражага эришдим. Соҳага меҳрим юксак. Хизматимга келсак, асло оғирлик қилмайди. Мендан илгарироқ ҳарбий бўлиб хизматни бошлаган кичик сержант Гулжаҳон Тўраева, Шаҳноза Турсунова каби сафдошларим ҳам дугонам, ҳам ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, билмаганларимни опаларча ўргатиб келаётган яқин кишиларимдир. Қайноқ ҳарбий муҳитда фаолият кўрсатиш жуда ёқади. Алоқанинг равонлиги эса ҳамма вақт муҳим. Соҳа сирларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қиляпман.

– Ҳарбий соҳада узлуксиз алоқани доимо таъминлаб туриш ўзига хос аҳамиятга эга, – дейди яна бир шартномачи посбон – кичик сержант Иньом Тўрақулов. – Ўзига бириктирилган аппаратура ёки техниканинг тўғри ишлаётганини, созлигини билиш, доимо тартиб-интизомли бўлиш, соҳани яхши ўрганиб, билимларини ошириб бориш ҳам асосий жиҳатлардандир. Шунга амал қилиб, жанговар техника, қурол-яроғ, алоқа воситалари ёки усулларига доир янгиликларни ўзлаштириб боряпман. Шерзод Ўрозов, Роман Стрелцов каби маҳоратли офицерларлардан кўп нарса ўргандим ва ўрганяпман. Мана, округ алоқачилари хизмати Мудофаа вазири томонидан ижобий баҳоланиб, миннатдорчилик билдирилди. Бундан руҳимиз кўтарилди. Сафдошларимнинг муваффақиятидан хурсандман. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тажрибани доимо ошириб бориб, қўшимча каналлар очишга зарурат туғилганда ўз ҳиссамни қўшишга масъуллигимни ҳис қилиб, бу жараённинг мукаммал ва равонлигига доимо эътибор қаратаман. Мақсадим, аъло даражада хизмат қилиб, эътибор ва ишончни оқлашдир.

# ИШ ҚИЗҒИН





Қуролли Кучларимиз жанговар шайлиги, куч-қудратини таъминловчи омиллардан бири бу озиқ-овқат таъминотидир. Бу борада Юртбошимизнинг «Агар кимки ўз армиясини боқмаса, эртага ўзгалар армиясини боқишга мажбур бўлади», деган сўзларини эслаш кифоя. Шуни ҳисобга олиб айни дамда эса посбонларимизни витаминларга бой бўлган сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган янги ислоҳотлар кўлами кенг қулоч ёйганига гувоҳмиз. Яъни ҳарбий қисмлар таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш мақсадида ички таъминот бўйича бўлинмалари ташкил этилган. Ҳарбий жамоаларга берилган бу имтиёз ўз ўрнида катта аҳамиятга эга. Чунки ҳарбий жамоалар ўз ҳарбий хўжалигида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг саралари билан посбонларини таъминлашга муваффақ бўлади.

Айни дамда бу имкониятдан ким қандай фойдаланяпти? Биз ушбу жараён билан танишиш мақсадида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда бўлиб, округнинг қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Шамси Удаев билан суҳбатда бўлдик.

– Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бизнинг округимизга ҳам ҳокимликлар томонидан шу йил баҳорда ер майдонлари ажратилди, – дейди Шамси ака суҳбат чоғида. – Уларнинг ярмисидан кўпи суғориладиган ерлар бўлса, қолгани яйлов, яъни чорва молларини боқиш учун белгиланган. Ушбу ҳарбий хўжаликлар билан ҳарбий жамоаларнинг ички таъминот бўлимлари шуғулланади. Албатта, ер тилини деҳқон тушунади. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз энг тажрибали деҳқонларимизни ҳарбий хўжаликларга етакчи қилиб қўйганмиз. Чорва молларини боқиш ва кўпайтириш учун ҳам барча имкониятлар ишга солинган. Шу билан бирга мевазор боғларни кенгайтиришни режага киритганмиз.

Қувонарли томони шундаки, Сурхондарёдаги ҳарбий хўжалик ерларига экилган 30 гектар буғдойзор ҳозирда ўрим палласида. Ҳосил жуда яхши. Термиз гарнизонига қарашли ҳарбий хўжалик эса пиёз маҳсулотини икки тонна ортиғи билан топширди. Келажакдаги режаларимиздан бири маҳсулотларни қайта ишлаш ва консервалаш цехлари очиш.

Юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, деганларидек, округ Сержантлар тайёрлаш мактабига қарашли ҳарбий хўжалик далаларига йўл олдик. Ушбу ҳарбий жамоага ажратилган майдонга помидор, бодринг, ошқовоқ, қизил лавлаги, қовун, тарвуз, редиска, кўкатлар, маккажўхори каби бир қатор деҳқончилик маҳсулотлари экилган экан. Пайкал ичидан бизга пешвоз келган хўжалик ишчилари Шукурбек ака ва Музайям опалар деҳқончилик мўл бўлишидан кўнгиллари тўқ эканлигини таъкидлашди. Сержантлар тайёрлаш мактаби масъул офицери Кароматжон Қурбонов ҳарбий хўжалик етакчиси сифатида амалга оширилган ва истиқболдаги режалар билан бизни таништириб ўтди.

– Ҳозирда ҳарбий хўжалигимиз ерларидан кўзланган ҳосилни олишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун барча имкониятлардан унумли фойдаланаяпмиз. Кўриб турганингиздек, хўжаликка тажрибали деҳқонлар оиласи бириктирилган. Режамизда кечки, яъни қишда сақлаб истеъмол қилиш учун қовун, тарвуз, сабзи, шолғом, пиёз картошка маҳсулотларини етиштириш белгиланган. Мавжуд элликка яқин чорва ҳайвонларини эса саксон нафарга етказмоқчимиз. Мақсадимиз, курсантларни сифатли, янги-янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш.

Саҳифани «Ватанпарвар» мухбирлари катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, Зулфия ЮНУСОВА ва Камолиддин ТЎРАЕВ (фото)лар тайёрлади.



# «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси иш бошлаганлиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда кўплаб оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев кириш сўзи билан очар экан, лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берди, унинг ёшларга ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда иқтисодий жиҳатдан манфаатли эканлигини таъкидлади. Мазкур лойиҳа дастлаб ташкил этилганда 8 йўналишда иш олиб борганн ва бу кўрсаткич ушбу мавсумда 22тани ташкил этаётганлигини ҳисобга олсак, «Камолот»нинг Тошкент шаҳар бўлими ўз фаолияти кўламини кенгайтириб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида келтирилган йўналишлар ўқувчи-ёшларнинг ёз ойларида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, пойтахтда мавжуд бўш иш ўринларига жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу йирик лойиҳага пойтахт олий ўқув юртларида таҳсил олувчи 700 га яқин талаба жалб этилган. Шунингдек, ёзги таътилда ўқувчи ёшларни Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида жойлашган 28та болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини ташкиллаштириш ҳам кенг қамровли тадбирнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса талабаларни, ўқувчиларни жисмонан чиниққан, руҳан тетик ҳолда янги ўқув йилини бошлашларининг имконини яратади.

**Даврон МУТАЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

# НЕ ПРОШЛО И ГОДА

Июнь для студенчества – знаковый месяц. Это время, почти свободное от семинаров и лекций, время подведения итогов и время выставления оценок. В сентябре 2005 года впечатлениями от первых дней учебы на страницах «Ватанпарвара» поделились несколько студентов столичных вузов. Что изменилось в их жизни за минувшие 9 месяцев – на эти вопросы отвечают те же самые герои.

– Учебный год был насыщен событиями донельзя, – замечает студентка ТГПУ Ойкиз Шуроева. – Каждый семестр появлялось по 15 новых предметов, и, соответственно, новые преподаватели. С каждым надо было познакомиться, найти общий язык, понять методику обучения. Конечно, со школой не сравнишь – это значительно труднее, но интереснее.

